





# ЖАЙҲУН ЖЎШИБ ОҚАДИ

Баҳор далаларни ризқ-рўзга тўлдирди. Жайҳун ҳар қачонгидан жўшиб оқмоқда. Бўлғуси ҳосил ишқидан тер тўқаётган деҳқоннинг кайфияти баланд.

Амударё туман аҳолиси умумхалқ байрами-Наврўзга пухта ҳозирлик кўраётди. Орол бўйликлар ўтган йил давлатга дон, пахта, пилла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари топшириш шартнома режаларини ошириб бажардилар. Биргина пахтачиликнинг ўзидан 8,5 миллиард сўм даромад олинди.

Саноат маҳсулотлари етиштириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кенг қўлдан кўрилган амалга оширилди.

Эртанги фаровон турмушимиз замини, дастурхонимиз кўт-баракиси, ризқ-рўзимиз ва фаровонлигимиз деҳқон меҳнати билан боғлиқ. Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, фермер ва деҳқон ҳўжалиklarини тузиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга жиддий эътибор қаратилди. Мулкчилик шакллари ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш мақсадида илгари кам рентабелли, зарар билан ишлаб келаётган қишлоқ ҳўжалик корхоналари тугатилиб, танлов йўли билан 700 га яқин фермер ҳўжаликлари ташкил қилинди. Хусусий мулк эгаларига сервис хизмати кўрсатувчи барча инфратузилмалар - муқобил машина трактор парклари, ёниги-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар билан таъминлаш шохбоналари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, биологатория ҳамда минибанклар фаолият кўрсата бошлади.

— Президентимиз Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкатларни фермер ҳўжаликларига айлантириш лозимлигини алоҳида таъкидладилар, - дейди туман ҳокими Р. Иудодов. - Ислохот талабларидан келиб чиқиб, фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфра тузилмасыни шакллантириш жараёнини тезлаштириш керак.

Ҳақиқатдан ҳам Амударёда мулкчиликнинг янги шаклига ўтиш йўлида дадил

қадамлар қўйилди. Қишлоқда мулкдорлар синфи вужудга келиб, деҳқоннинг ерга эҳсон ҳисси кўчади. Энг муҳими, моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ортиқча сарф-харожат қилинишига чек қўйиб, маҳсулот таннархини камайтириш, рентабеллини ошириб, даромад олиш даражасини кўтариш доимий эътиборда турибди.

Ушшоқлик билан қилинган меҳнат самарасини бермоқда. «Азимбойхўжа» фермер ҳўжалиги бошлиғи Ибодулло Хўжаметов таниқли тадбиркор ва ишнинг кўзини билладиган деҳқон сифатида донқ таратган. Бултўр давлатга пахта сотиш шартнома режасини икки баравардан ортиқ урдиди. Бу фидойи зиротчи жамоаси меҳнат аҳлини рағбатлантириш тўғриси йўлга қўйилганлигини муваффақият калити сифатида алоҳида таъкидлаш лозим.

Қадамбой Худаков раҳбарлик қилаётган кичик жамоанинг ташкил тоғнагани тўрт йил тўлди. Фермернинг 47 гектарлик пахта даласида баҳорги ишлар авж олдирилган. Ер тобига келса, яхши ният билан уруғ қадашга киришилди.

— Наврўз тинчлик ва дўстлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик байрамидир, - дейди «Қиличбой» деҳқон фермер ҳўжаликлари бирлашмасининг тажрибали зиротчиларидан бири Худойбергн Нуримбетов. - Йилнинг боши, табиат янгиладиган жўшқин меҳнат мавсумида эзгу ният билан тўпроққа уруғ ташлаймиз.

Туман маркази Манғит шаҳри, «Оқ олтин», «Тўлкин», «Туркманистон», «Наврўз», «Амударё», «Тошба», «Қипчоқ», «Зарбдор», «Дўстлик», «Намуна» фермер ҳўжаликлари уюшмаларида маҳалла ва овулларда дов-дарахтларни парваришлаш, янги ниҳоллар ўтказиш, қўқалмазорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирлари оммавий тус олган.

«Сапохўжа бобо», «Ибодуллоев Ҳайитбой», «Хидиров Пулат», «Қумқалъа», «Жумамурод Курбонбоев», «Нурмуҳаммад Нурфозил», «Шер» каби фермер ҳўжаликларида экиш мавсумини муваффиқиятли ўтказиш билан бирга эҳтиёмланд, кам таъминланган оилалар, ноғиронлар ҳолидан хабар олинадилар, болалар ва қаришлар уйларига хайрия ёрдами кўрсатилди.

**Изат ҲИҚМАТОВ,**  
**«Ишонч» мухбири**

## Дилларни завққа тўлдириб ўлкамизга яна Наврўз ташир буюрмоқда. Янгилик ва яшариш айёми юртимизга тўкинчилик, кўт-барак олиб келишини тилаб нуронийлар дуога қўл очилган. Устама-уст ёғатган ёмғирлар гўё шу тилакнинг ижобатидир.

Кексаю ёш - барча Наврўзга шоду хуррамлик билан пешвоз чиқмоқда. Қишлоғу маҳалаларда байрамга тараддуд қизгин. Қарши туманидаги Кахлак қишлоғида 2500 нафардан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Бу ерда қўқлам нафаси ҳар йилгидан ўзгача. Қишлоқ йўлларидан борар экансиз, дарахтларнинг бодроқдек очилган қий-ғос гуллари кишини ўзига ром этади. Димоққа ёқимли хид урилади.

— Сумалак пишаришяпти, - дейди ҳамроҳим.

Нодира номли мактабда сумалак сайли бўлаётган экан. Устозу шоғирдлар қувончининг чеки йўқ. Уйинкувга ва айтишувлар авжида.

— Айна тарзида бу йил ҳам жамоамиз билан сумалак пишариб, янги кунни қаршилаймиз, - дейди мактаб директори Маждид Ража-

бов. - 600 нафарга яқин ўғил-қиз таълим олаётган ўқув мас-канимизда байрам арафасида йилда 1570 тонна пахта, 2100 тонна галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириб, 127 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олишга эришилди. Ҳўжалик бошқаруви раиси Азамат Боймуродовнинг таъкидлашича, пудратчилар бу йил ҳам баҳорги экиш мавсу-

мига ҳар томонлама пухта тай-ёргарлик кўрганлар. Экин-тин ишлари бошлаб юборилган. Ҳўжалик юксалишининг ойд-ини йўлга чиқиб олди. Хонадонлар тўла газлаштирилиб, тоза ичимлик суви билан таъминланган. Худуддаги қишлоқ ва маҳалаларда қўқлам сайллари уюштирилмоқда.

«Хисорак» сув омборидан фойдаланиш бошқармаси жамоаси ҳам Наврўз айёмининг муносиб қаршиламоқда. 21 нафар меҳнат фахрийсига иззат-икром кўрсатилиб, бир пиёла чойга тақлим этилди. Корхона раҳбарияти ва касоба уюшма кўмитаси доимий равишда меҳ-

натқашлар манфаатларини химоя қилиб келяпти. Муборак туманидаги «Муборак» ширкат ҳўжалиги эса ўтган мавсумда деҳқончиликдан 607 миллион 45 миң сўмдан ортиқ даромад олиб, унинг асосий қисмини ижтимоий соҳага йўналтирди.

Мамлакатимизда катта мавқега эга бўлган «Муборакнефтгаз» унитар шўба корхонасида байрам тантанаси ўтказилди. Унда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари меҳнат аҳлида ёқимли таассурот қолдирди. 50 нафар кам таъминланган ишчилар фарзандининг шахсий жағфармасига 10 миң сўмдан маблағ қўйилди. Кам таъминланган оилаларга 2 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, корхона «Машъал» соғломлаштириш клубига 4 миллион сўмлик спорт анжумлари олиб берди. Кит-тўб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарёнинг ҳар бир гўшаси, шаҳар ва қишлоқларида кезиб юрган Наврўз нафаси кишилар кўнглига ёруғлик олиб кирмоқда.

**Шавкат СУЛТОН,**  
**«Ишонч» мухбири**

# ДИЛЛАРНИ ЗАВҚҚА ТЎЛДИРИБ

Биргина галлачиликдан қўрилган фойда 91,5 миллион сўмдан ортиб кетди. Ҳўжалик маъмурияти ва касоба уюшма кўмитаси вакиллари 74 миң боддан зиёд қўй-қўзи боқилаётган отарларда бўлиб, чорвадорларни байрам билан табриклашди.

Тумандаги уй-жойлардан фойдаланиш кўп тармоқли очик ҳиссадорлик жамиятида 14 нафар ходимга моддий кўмак берилиб, 6 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг сунат тўйи ўтказилди. Уларнинг ҳар бирига банкда ҳисоб рақами очилиб, 50 миң сўмдан пул қўйилди.

# БУНИ СОВФА ДЕСА БЎЛАДИ

Наврўз байрами арафасида Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида янги қатор уй-жой, мактаб, коллеж, лицей, савдо, манший ва спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи томонидан Бешбола қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилган саксон ўринли шифохона шулар жумласидандир. Замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган янги шифо маскани мутахассислари енг шиширив ишга киришилди.

Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамияти қошидаги «Алэста Гласс» корхонаси, «Ақбарали» ип-газлама ишлаб чиқариш хусусий фирмасининг иш бошлаши эса юзлаб ёшларнинг иш билан таъминлашида муҳим омил бўлди.

Учқўрғун тумани маркази ва Бегмурод қишлоғида очилган хусусий шифохоналар Сихат-саломатлик йилда аҳоли учун янги қулайлик ва имкониятлар яратди.

Бувайда тумани марказида иш бошлаган тикувчилик цехи, Фарғона тумани марказида қад ростлаган янги меҳмонхона, Сўх, Фуқат, Кува, Дангара, Бешариқ туманларида, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида бунёд этилган маданий-маиший иншоотлар ҳам фарғоналиклар учун Наврўз тўхфаси бўлди.

(ЎЗА)



## ОИЛАВИЙ ПУДРАТЧИЛАРГА ДИВИДЕНТ

Янгийул туманидаги «Нивзо» ширкат ҳўжалиги «Эвзолари баҳорги чигит экиш мавсумига тайёргарликни ниҳоясига етказди. Хусусан, мавжуд техника воситаларининг ҳаммаси сифатли таъмирдан чиқарилди. Ўтган йили пахтачилик, галлачилик ва бошқа соҳалардан олган даромад ҳисобига жорий йилда жамоанинг техника парк-янада бойиди. Қўпгина юмушларни бажарадиган 6 та янги «Беларус» русумли трактор, хорижда ишлаб чиқарилган галла ўрадиган комбайн харид қилинди.

## Меҳнат ва рағбат

Ширкат ҳўжалиги вилоятдаги иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоалардан ҳисобланади. Бу ерда ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахта ва галла етиштириш шартнома режалари ортиги билан бажарилаётганлиги боис, даромад салмоғи ортиб бормоқда. Шу тўғрисида оилавий пудратчилар катта миқдорда дивидент олишмоқда.

— Деҳқонларимизнинг бой тақрибаси, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилаётганлиги, экинлар қатъий агротехника қоидаларига асосда парвариш қилинаётганлиги муваффақиятлар омили бўлмоқда, - дейди ширкат ҳўжалиги бошқаруви раҳбари Абдуғани Юсупов. - Жорий йилда ҳам мул ҳосил етиштириш учун ҳозирданок барча чора-тадбирларни қўяйлик. Бундан ташқари, ширкатда баҳор келиши муносабати билан ободонлаштириш ва қўқламзорлаштириш юмушлари авж олдирилган.

**Заҳро РАХИМОВА**

## ЯНГИ БОҒЛАР

Қизилтепа туманининг қай бир маҳалласига борманг, ободонлаштириш ва қўқалмазорлаштириш ишларининг устидан чиқасиз. «Маҳалла» жағфармаси туман бўлими раиси Сафоқул Жўраевнинг айтишича, шу пайтгача Бўстон, Ҳойибон, Гумбаз, Бўлақработ, Ҳўжа Ҳасан, Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги маҳаллаларда ўн миң тупдан ортиқ манзарали, миң тупдан зиёд мевали дарахт кўчати ўтказилиб, ариқ ва зовурлар тозаланган.

Туман бўйича эса 3,5 миллион тупдан ортиқ кўчат ўтказилди. Бу ишда, айниқса, фермер ҳўжалиklarининг улуши катта бўлмоқда. Улар ташаббус билан ўнлаб мактаб ва болчаларнинг атрофи боғ-гулзорга айлантирилди.

**Изат ҲИҚМАТОВ,**  
**«Ишонч» мухбири**

## Бандлик дастури амалда

### ЁШЛАР ЯРМАРКАДА ИШЛИ БЎЛИШДИ

Мархамат туманида 65,9 миңдан зиёд меҳнатга лаёқатли киши истикомат қилади. Ўтган йил давомида иш сўраб келганларнинг 1311 нафари турли ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштирилди. Бу дастурга нисбатан 104 фойзини ташкил этади. Ишли бўлганларнинг 665 нафари аёллардир. 284 нафар фуқарога эса ишсизлик мақоми берилди. 70 нафар киши жома-ат ишига жалб қилинди. 20 нафар ёшлар ўқишга, касб ўрганишга юборилди. 25 нафари уста-шоғирд услубида хунар ўрганишга жалб қилинди. Касб мутахассислиги бўйича иш топиб бериш имкони бўлмаган 162 нафар фуқарога эса ишсизлик нафақала-

ри тайинланди. Ушбу мақсадлар учун 11 миллион 567,4 миң сўм маблағ сарфланди.

Ил давомида 2043 та янги иш ўрнига эга бўлган корхоналар ишга туширилди. Уларнинг 1969 таси кичик ва ўрта бизнес ҳисобига ажратилди.

Туман прокуратураси ва «Камолот» ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда мавжуд фуқаролар ва вояга етмаган ёшлар учун 4 марта «Бўш ишчи ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Уларга жами 310 нафар ишсиз фуқаролар мурожаат қилиб, шундан 264 нафари ишга жойлаштирилди.

**Абдурасул ЭРАЛИЕВ**

## Бир Фармон шарофати

### ХУСУСИЙ ТАРМОҚ УЛУШИ

Юртбошимизнинг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони юртимизда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнининг жадал ривожланишига, маҳсулот етиштириш ҳажмининг ортишига ва унда хусусий тармоқ улушининг кўпайиб боришига замин яратди.

Фермерлик ҳаракатининг тараққий этиши ўз навбатида етиштирилаётган маҳсулотлар таннархининг арзон бўлишини таъминлаб, иш ўринларининг кўпайишида ҳам ўз афзаллиklarини намоян қила бошлади. Бунга Охангарон туманидаги «Ўзбекистон» ширкатига жойлашган «Маъсиддик ота» фермер ҳўжалиги мисол бўла олади.

Ўз фаолиятини 1994 йилда чорвачилик соҳаси бўйича бошлаган фермер ҳўжалиги раҳбари Дадажон Маъсиддиков олий маълумотли мутахассис. У дастлаб ўз хонадонидида 2 бош сирғир, 10 бош қўйни рўйхатдан ўтказди. Омилкорлик билан иш юритиш, тинимсиз меҳнат на-тижасида бугунга келиб, фермер ҳўжалиги тасарруфида 80 бош қорамол, 500 бош қўй бор.

Чорвачиликни ривожлантириш асосан ет-ҳашак базасининг мустаҳкамлигига боғлиқ, - дейди Дадажон ака. - Истиёримизда 10 гектар суғориладиган ва 10 гектар лалмикор ерларини бор. Улардан унумли фойдаланиш мақсадида тоғли жойларга насослар ёрдамида сув чиқардик. Ўзим-ляларга ишлов беришда «шарбат» усулини йўлга қўйдик. Нат-ижада биргина ўтган йилнинг ўзи-

**Тамур ҲАЙДАРОВ,**  
**«Ишонч» мухбири**

## Фахрийлар эъзозда

Шахрисабз пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги йирик саноат корхоналаридан бири. Бу ерда яқин пайтда 500 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилишди. Уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан химоя қилиш маъмурият ҳамда касоба уюшма кўмитасининг асосий диққат марказида турибди.

Жамоа шартномасининг аҳамияти катта. Бу муҳим ҳужжат иш берувчи билан ходимлар ўртасида меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий ва касба-годоир муносабатларни тартибга солиб туради. Касоба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида шартнома бандларининг тўлиқ бажарилишини назорат қилади.

Ўтган йили 33 миң тоннага яқин пахтани қабул қилиб олган меҳнат жамоаси бугунгача деярли яримдан кўпини қайта ишлади. Бунда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат-ларини алоҳида эътироф этиш керак. Яқинда кор-

хонада жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши яқунлари ҳамда 2005-2006 йилларда жамоа шартнома-си қабул қилинишига ба-ғишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда корхона касоба уюшма кўмитаси раиси Эркин Номозовнинг ҳисобот-ти тингланди. Маъмурият ва касоба уюшмаси меҳнат

муҳофазаси, техника хавф-сизлиги, саноат санитария-яси қоидаларини талаб даражасида ташкил этиш учун 10 миллион 700 миң сўм маблағ ажратгани алоҳида қайд этиб ўтилди. Шунинг-

ишлаб чиқариш яқин ҳажми 8 миллиард 598 миллион 378 миң сўмга етди.

Жамиятда фахрий ишчиларни эъзозлаш одат тусига кирган. Кам таъминланган, муҳтож ҳамда ноғиронларга 2 миллион 201 миң сўм моддий кўмак берилди. Янги оила кураётган ёшлар учун салкам 1 миллион сўм ажратилди. Ишчи-хизматчилар фарзандлари- ни ёзги соғломлаштириш учун оромгоҳларга 3 миллион 750 миң сўм маблағ ўтказилди. Шунга қарамасдан, корхонада ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Ажратилаётган ойлик, овқат пули камлиги, ишчилар махсус кийим-бошлар ҳамда сут-қатик маҳсулотлари билан мунтазам равишда таъминланмаётганлиги каби камчиликлар шулар жумласидандир.

**Соли ШАВКАТОВ**

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасы қурултойидан

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ, ИЗЛАНИШ

бўлса ҳар ишнинг уددасидан чиқиш мумкин

(Боши 1-бетда)

Масалан Наманган шаҳридаги педагогика касб-ҳунардонларнинг тарқолиги «Нихол» ишлаб чиқариш фирмаси фаолиятидан, шунингдек, қўшни туманда ташкил қилинган 30 гектарли ёрдамчи ҳўжалигидан олинадиган даромадлар ҳисобидан ходимларнинг туши...

Бундай ишларни ҳалқ таълими муассасаларида ҳам ташкил этса бўлади. Жумладан, Денос тумани 1-умумтаълим мактаби ўз ихтиёридаги 2,7 сотих-ер майдони ва лимонариисидан ҳар йили 2 миллионгача даромад қилиб беради. Қоракўлпоғистон Республикаси Кеғейли туманида касаба уюшма ташаббусига қўра умумтаълим муассасаларининг ўқитувчиларига машиини хизмат тўловларидан енгилликлар берилган. Овуларда яшаванларга деҳқончилик қилишлари учун томорқа ерлари ажратилган.

Бахтга қарши барча ерда жамоа шартномаларида белгиланган тавбирларнинг тўлиқ бажарилишига эришилмаётгани йўқ. Кўнглисиз ҳолат, айнакса, Фаргона вилояти таълим муассасаларида қўлаб кузатилмоқда. Қурултойда ҳисобот маърузаси қилган Марказий қўмитаранси Носирхон Акбаров, музокарада сузга чиққан нотиклар жойлардаги қатор бошланғич ташқилларнинг қўмиталари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, у ёки бу вазиата қандай чора қўриш лозимлигини аниқ билмасликлари, фаолиятда изчиллик, қатъиятлик йўқлиги қимматга тушаётганлигини хаётий мисоллар орқали ифодалаб бердилар.

Ходимларни ишсизликдан ҳимоя қилиш масалалари ҳам жамоа шартномаларида ўз аксини топомқда. Тўғри, таълим тизимда бу масала жиддий тус олмаган. Шундай бўлса-да, бандлик муаммоси доимий эътиборда бўлиши керак. Одамлар биздан амалий ҳаракатлар кутишмоқда, деб таъ...

кидлашди анжуман иштирокчилари. Сўнгги йилларда ҳамжиҳатликдаги савий-ҳаракат туфайли инсон омилига эътибор кучайди. Тармоқ касаба уюшма ташқилотлари ўз саломатлигини тиклашга эътибў сезаётган ўқитувчи-ҳодимларга ҳар доим санаторий, дам олиш уйларида йўлланмалар топиб бериш чорасини қўриб келмоқда. Дам олиш уйларида қисқа муддатли ҳордик ва профилактик даволаниш ишлари ташқил қилинмоқда. Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари қошидаги профессорларга ҳам даволаниш учун йўлланмалар берилмоқда. Марказий қўмита ташаббуси билан республика Ҳалқ таълими ходимлари ва Олий таълим профессор-ўқитувчилари ўртасида ўтказилган спартакадалар даврида умумий ҳисобда 300 нафарга яқин ходим «Ботаника» санаторийсида дам олдирилди. Хайрли ишлар ҳақида гапирганда мунтазам равишда Оролбўйи минтақасида истикомат қиладиган ўқувчилардан 3 миң нафари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида Фаргона водисидида жойлашган энг яхши оромгоҳларда соғломлаштириладиганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Усиб келаятган авлод, оналар ва қариялар ҳақида алоҳида қайғурилади. «Соғлом авлод йили»да эса Ўзбекистон Фанлар академияси муассасаларида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги ва бошқа жойларда жамоа шартномалари асосида ходимлар, талаба-ёшларнинг ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий манфаатлари қатъий туриб ҳимоя қилинди. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун аниқ тадбирлар ишга солинди.

Меҳр ва муруват йилида тармоқдаги ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси, кам таъминланган, боқувчисиз оилалар, ёлғиз кексалар, ноғиронларга кўмак бериш тизимини кенгайтирилди. Жамоа шартномалари асосида ишловчи аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган тавтиллар кўнтини узайтириш бўйича 265 та таълим муассасасида 273 нафар аёлга муассаса ҳисобидан 352,8 миң сўм маблағ сарфланишига эришилди. Ишлаб чиқаришда жараҳат...

ларни ва касб касаллигининг олдин олиш, асбоб-ускуна, дастгоҳлар хавфсизлигини таъминлаш, иш жойларини паспортлаштириш ва аттестациядан ўтказиш кабилар фаолиятда муҳим ўрин тутди. Марказий қўмита, вилоятлар, Қоракўлпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар кенгашлирининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислари ҳисобот даврида 3232 касаба уюшма қўмиталари фаолиятини ўрганиб, 24370 меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича кўнунлар, қоида ва меъёрларнинг бузиллишига оид ҳолатни аниқладилар. Улардан 22250 таси касаба уюшма органи аралашуви билан бартараф қилинишига эришилди. Ишлаб чиқаришда тан жароҳати олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 353 тасига тегишли маслаҳатлар берилди.

Таъкидландики, эришилган ютуқлар билан бир қаторда ҳали ишда қатор камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар бор. Масалан, кўпгина жойларда меҳнат муҳофазасига ҳамон лозим даражада эътибор берилмапти. Қашқадарё, Андижон, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳар тармоқ муассасаларининг қўпчилигида ҳар бир иш жойини меҳнат муҳофазаси йўриқномаси ишлаб чиқилмаган. Ишчи-ҳодимлар техника хавфсизлиги бўйича кўникама ҳосил қилишмаган. Локайдлик - қалб фаалаги. Бу иллат илди отган жойда қўнглисизликлар юзага келади. Ҳисобот даврида 33 та бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги натижасида 25 нафар ходим ҳаётдан кўз юмди, кимлардир жараҳатланди. Инсон манфаати ҳар нарсадан устун. Анжуман иштирокчилари ўзларига яратилаётган имконият, имтиёз ҳамда меҳрибонликдан руҳланган ҳолда давр талабига ҳамоҳанг ишлашга аҳд қилганликларини маълум қилдилар.

Қурултойда ташқилий масала қўрилди. Носирхон Акбаров Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг раиси этиб сайланди.

Шавкат АБДУЛЛАЕВ, Хасан АБДУЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбирлари

Ўзбекистон Агрорасаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасы қурултойидан

(Боши 1-бетда)

Лекин шуниси ачинарлики, баъзи жойларда жамоа шартномаларининг «хўжакўрсин»га тузиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Уларда меҳнат қўнунчилигида киритилиши шарт деб эътироф этилган айрим моддалар йўқ. Жамоа шартномалари ижросини назорат қилиш бўшаштириб юборилган. Айниқса, меҳнатга ҳақ тўлаш бандларини бажарилмаслиги ҳамда меҳнат муҳофазаси етарли даражада уюштирилмаётгани таъшивилиги. Баъзи ҳолатларда ходимлар сонини қисқартирилиши ёки қорхоналар тугатилиши оқибатида ишдан бўшатилган ходимларга нисбатан моддий ёрдам қўрсатилмапти. Чўнки, бундай талаблар жамоа шартномаларида ўз аксини топпапти. Айрим жойларда жамоа шартномасини талабларини бажарилишини назорат этиб борувчи комиссиялар иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Меҳнат низолари комиссияларини тузишга бўлган муносабат ҳамма жойда бирдек эмас. Жамоа шартномаларини умумий йиғилишларда меҳнатқашлар муҳофазасига киритилмасдан имзолаш, ҳеч қандай ўзгартиришсиз қўрииб ёзиш ҳолатлари учраб турибди.

Масалан, Сурхондарё вилояти Термиз туманининг «Дўстлик» ширкат ҳўжалигида ушбу ҳўжатга тўнги вақта да кечки сменада ишланганлиги учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори махсус банд қилиб қўрсатилмаган. Андижон вилояти «Қўрғонтепадоммахўсўлотлари» акционерлик жамиятининг жамоа шартномасида республика Меҳнат кодексининг 159-моддасига лид равишда да оғир ва зарарли меҳнат шартноилари учун қўшимча таътил белгиланмаган. Жиззах вилояти, Бахмал тумани Усанов номи ширкат ҳўжалигида тузилган жамоа шартномасида касаба уюшма қўмитаси муҳри йўқ. Самарқанд вилояти Булғунур туманида 2003 йилда 35 та жамоа шартномаси тузилган деб ҳисобот берилган. Аслида эса уларнинг сонини 15 тани ташқил этади. Бундай шартномалар...

рини тўлиқ бажармаслик сабаблари уларнинг меҳнат жамоасида муҳокама этилмаётганилигидадир. Жамоа шартномасини тузиш ва ижросини таъминлаш Қоракўлпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Самарқанд вилоятларида талаб даражасида эмас. Натижада ёлланма ишчи иш берувчининг ўзбошимчилиги олдига мутлақо ҳимоясиз бўлиб қоляпти. Қайд этилган камчиликларни бартараф этиш ва бу борадаги ишларнинг самардорлигини ошириш масалалари Марказий қўмита раёсати йиғилишларида 22 марта, вилоят қўмиталарида эса қўлаб муҳокама этилди. Маъкур масалани...

да. Шу ўринда қишлоқ жойларда касаначилик, тадбиркорликнинг турли усуллари ривожлантириш давр тақозосидир. Меҳнат бозоринда ишсизликнинг олдини олиш мақсадига касаба уюшмалари қелишувлар ва жамоа шартномаларига янги иш жойларини барпо этиш бўйича махсус бандлар киритишлари айнни муддаодир. Бунинг натижасида 2003 йилда 148 миңдан зиёд янги иш жойлари ташқил этилди. Шунингдек, ходимларни қайта ўқитиш, касбга йўналтириш, меҳнат бозорига рақобат қила олмайдиган шахслар учун меҳнат жойларини яратишга алоҳида эътибор берилди. Иш ўрнини йўқот...

БОБОДЕҲҚОН ОЛДИДА ҚАРЗДОРМИЗ

Ҳажми муҳим ҳараёни шўни қўрсатмоқдаки, ҳали олдимизда бу борада ҳалқ этилган камчиликларни бартараф этишда ҳам муҳим омилдир. Чўнки ўз кўчинини, қобилиятини ишлаб чиқаришга сарфлайдиган ҳодим ўз меҳнатига яраша оқори ҳақ тўланишидан, хавфсиз меҳнат шартноилари яратилишидан манфадлари эса айнан шу нозик ҳараёнга эътиборни қаратиб, ўз аъзолари манфаатларини қатъий туриб ҳимоя қилишлари зарур.

Кейинги йилларда меҳнатни муҳофазаси қилиш ва хавф-хатарсиз иш шартноиларини яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш касаба уюшмаларнинг асосий иш фаолиятларидан ҳисобланмоқда. Лекин тармоқда бу ўта долзарб вазиатага панажа орасидан қараётганлар ҳам учрапти. Жойларда техника хавфсизлиги муҳандисларини тез-тез алмаштириш, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, баъзи ҳолатларда эса бу ўта муҳим ишга мутлақо малакасиз, унга алоқаси бўлмаган кишиларга оқлатиб қўйиш ҳолатлари учраб турибди.

Хойи ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслардан 126 миң нафари квота бўйича меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармалари ва бўлимлари билан ҳамкорликда ишга жойлаштирилди.

Кейинги йилларда меҳнатни муҳофазаси қилиш ва хавф-хатарсиз иш шартноиларини яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш касаба уюшмаларнинг асосий иш фаолиятларидан ҳисобланмоқда. Лекин тармоқда бу ўта долзарб вазиатага панажа орасидан қараётганлар ҳам учрапти. Жойларда техника хавфсизлиги муҳандисларини тез-тез алмаштириш, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, баъзи ҳолатларда эса бу ўта муҳим ишга мутлақо малакасиз, унга алоқаси бўлмаган кишиларга оқлатиб қўйиш ҳолатлари учраб турибди.

Қурултойда ташқилий масала қўрилди. Шамси Эсонбоев Ўзбекистон Агрорасаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг раиси этиб сайланди.

Неъмат РАФИҚОВ, Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА, «Ишонч» мухбирлари

ТАБИАТ ШАЙДОСИ



Наврўз байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кўчлари Марказий музейида таниқли рассом Содик Раҳмонов ва унинг ўғли, ёш рассом Самиг Раҳмонов асарлари қўргазмаси очилди.

Унда ҳалқимизнинг аъналарини ёритувчи ишлар, масалан кириб келаятган айёмга бағишланган «Наврўз» триптихи намойиш этилмоқда.

Алишер Навоийга бағишланган расомларни алоҳида таъкидлаш мумкин: «Навоий. Уйлар», «Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро сўҳбати» ва «Шоирга эътиром».

Содик Раҳмонов - республика Бадий академияси ҳузуридаги иждодий бирлашма аъзоси, республика ва ҳалқро қўргазмаларнинг доимий қатнашчиси. Унинг асарлари давлат тўпламлари - Тошкент музейлари коллекциялари, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Туркия ва Ҳиндистонда давлат ва шахсий коллекция тўпламларида сақланмоқда.

Унинг ўғли - Самиг Раҳмонов ўз хаётини ва иждодий йўлининг бошида. У миниатюрачи-рассом бўлишни орзу қилади ва Камолитдин Бехзод аъналарини руҳида ишламоқда.



ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Фаргона туманидаги Водил қишлоғида Сихат-саломатлик йили муносабати билан «Ушуноз» савдо ишлаб чиқариш фирмасига қарашли хусусий амбулатория ва стационар даволаш диагностика маркази иш бошлади. Фаргона вилоят «Пахта банк» бошқармасидан олинган 17 миллион сўм кредит ҳисобига бу ерда замонавий тиббий асбоб-ускуналари ўрнатилди. Марказда УЗИ текшируви, электроэнцефалография, килиник, биохимик таҳлил, физиотерапия ҳамда уқлаш муолажалари амалга оширилади. Шифохонада беморларнинг ётиб даволанишлари учун 8 та ўрин жой ҳам ҳозирланди.

Энг янги тиббий ускуналари ёрдимида терапевтик, неврологик, ревматологик, кардиологик касалликлар аниқланди, шифокор тавсиясига қўра даволаш йўлга қўйилган. Эътиборли жиҳати, шифохона ўзининг 06 рақамли «Тез ёрдам» машинасига эга.

Янги шифохона қўрсатилмаётган тиббий хизмат турларининг арзонлиги, тез ва сифатли муолажа қўрсатилиши билан бошқа даволаш муассасаларидан ажралиб туради.

Суратларда: ҳамшира М.Дадажонова; УЗИ шифокори А.Эргашев. Ш.ОЛИМОВ (ў.А) олган суратлар

Мамлакатимизда бугунги кунда қолажанимиз эгалари бўлган вилларга алоҳида эътибор қаратилган. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини қабул қилинганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Ана шу қонун ва дастур асосида Бекободдаги тиббиёт билим юрти айнни пайтда етакчилик қилмоқда. Виллоятнинг чекка ҳудудларидан бўлган Бекобод шаҳри ва тумандаги 6 та йирик марказий шифохона, туғруқхона ва 3 та поликлиника учун малакали мутахассислар тайёрлашда дароғонинг ўрни алоҳида. Бу ерда ўтган давр мобайнида 7 миңга яқин ўқил...

қиз тиббиёт сирларини ўрганишиди. Коллежда барча ўқув ва таълим-тарбия ишлари замон талаблари даражасида ташқиллаштирилган. Ўқув жараёнлари қатъий назорат остида олиб бориляпти. Хусусан, талабаларнинг билим олиш даражасини ва ўзлаштирилиши ни аниқлаш мақсадига мунтазам равишда мониторинг ўтказилиб турилибди. Уларнинг олган билиминини чуқурлаштириш ҳамда иқтидорини юзага чиқариш учун умумтаълим фанларидан ўтказилмаган олимпиадаларда фаол қатнашиш одат тусига кирган. Масалан, коллеж талабаси Э.Маматқўлов информатика, Яна бир муҳим жиҳати, ўқув маскани бой куллубинага эга бўлиб, бу ерда 18 миңга турли илмий ҳамда бадий китоблар мажмуи. Қутубхонада «Ўзбекистон: Кеңа, бугун, эртага», «Ҳажоғна» маълум аждодларимиз», гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши...

КОЛЛЕЖ ТАЛАБАЛАРИ ОЛИМПИАДА ГОЛИБИ

турибди. Бино ичига киришингиз билан, қўлаб аллоамаларнинг пурҳикмат сўзларидан баҳра оласиз. Яна бир муҳим жиҳати, ўқув маскани бой куллубинага эга бўлиб, бу ерда 18 миңга турли илмий ҳамда бадий китоблар мажмуи. Қутубхонада «Ўзбекистон: Кеңа, бугун, эртага», «Ҳажоғна» маълум аждодларимиз», гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши...

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда

манидан оталиққа олинган бўлиб, уларга доимий равишда кўмак бериб борилади. 2003 йилда ана шундай оила фарзандларидан 18 нафарига салкам 130 миң сўм, ўтган йилда эса 35 нафар талабага жами 325 миң сўм миқдориди маблағ билан ёрдам қўрсатилди.

Мамлакатимизда бугунги кунда қолажанимиз эгалари бўлган вилларга алоҳида эътибор қаратилган. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини қабул қилинганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

тури бўйича таҳсил олаётган ўсиор-қизлар ўртасида «Баркамол авлод» мусобақаларининг I-II-босқичлари ўтказилди. Фолиб чиққан жамоалар маъмурият томонидан эсдалик соғва ва фахрий ёрликлар билан тақдирланишди.

Мазнавий-маърифий ишлар ҳам намунали йўлга қўйилган. Уқувчилар ўртасида «Сиз тарихни биласизми», «Аждодларимиз мероси», «Ўзбекистон қўшиқ байрами» каби кўрик-танловлар тез-тез ўтказилиб турилади. Коллежда 677 нафар вояға етмаган ўсиор таҳсил олади. Бу ерда туман ички ишлар бўлими, прокуратура ва диний идора ходимлари тақлиф этилиб, ёшлар ўрта-кадрлар таълимига алоҳида эътибор қаратиляётгани ҳам диққатга сазовор. Кеңг ва шинама спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари улар ихтиёрига берилган. Виллоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан белгиланган режага мувофиқ, коллежда ўтган ўқув йилида 9 та спорт...

КИРОЙИ ГУЗАР ШУНДАЙ БЎЛСА

Гузаришимизда новвой-хона, чойхона, гўшт-дўхона, диорхона, этик-дўзлик устахонаси, би-чиш-тиқиб чехи бор, дейди маҳалланинг диний-маърифий, маънавий ва ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Дилором опа Норалиева, маҳалламиз одамлари бундан бўён ҳар хил тўй, тантаналар қиладиган бўлишса, ресторан, ош-дона излаб узоққа бормайди. Шу ерда бемалол ўтказаверади. Чўнки гузарда барча шарт-шароит бор.

олти нафар тўй боланинг хатнасини ўтказишга бағишлаб тўй, тантана ўтказилди. Тўй болаларга бошдан-оёқ сарполар ҳада қилинди. Уч қўшалок тўйга тақлиф этилган уч юз нафардан ортиқ меҳмон ҳузурида дастур-ором Наврўз таомлари, сумалар, кўк сомсалар, бундан бўён ҳар хил тўй, тантаналар қиладиган бўлишса, ресторан, ош-дона излаб узоққа бормайди. Шу ерда бемалол ўтказаверади. Чўнки гузарда барча шарт-шароит бор.

Жума кўни «Темирйўли» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолини биргаликда нишонлашди. Шу кўни бу ерда маҳалла гузари очиллиши, Наврўзни кўтиб олиш ва кам таъминланган оилалардан

Эътироф этишга арзийдиган гап шуки, маҳалла раиси, ҳеч кимдан мадад кўтиб ўтирмасдан ажайиб гузар қўриб, эл-нарини олқиниши олмоқда.

«Туркистон-пресс» ОДИЛ ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири

# ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

*Қизгалдоқ баргидек учар дилдан зам,  
Тошқинлар киради қалбимда маним,  
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,  
Менинг, Ўзбекистон — дилбар Ватаним!*

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ



*Ҳар бир хонадон, ҳар бир шаҳар ва  
қишлоғимиз, Она диёримиз нурга тўлсин*

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАҲ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ

*Тармоқ  
меҳнаткашларини  
ҳамда барча  
фуқароларни меҳр-  
мурувват айёми, орзу-  
умидлар рамзи бўлмиш  
Наврўз байрами билан  
самимий муборакбод  
этади*

# НАМАНГАН ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ

*Мамлакатимиз  
фуқаролари ва  
меҳмонларини энг  
ардоқли байрам билан  
самимий қутлайди.  
Қалбингизни баҳорий  
кайфият асло тарк  
этмасин!*

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ

*Наврўз ҳар бир  
хонадонга қувонч ва  
шодлик, файзу барака  
олиб кирсин.*

*Барчангизга омад ва  
муваффақият ҳамиша  
ёр бўлсин!*

# Республикамизнинг энг нуфузли банкларидан бири Акциядорлик тижорат

## «ПАХТА БАНК»

*Ўз акциядорлари ва мижозларини, барча  
Ўзбекистон халқини НАВРЎЗИ Олам билан  
табриклайди ва Сизларга «Баҳор» муддатли янги  
омонат турини таклиф этади.*

*Мазкур омонатга маблағлар 9 ой муддатга  
сақлаш шарти билан қабул қилинади.*

*Омонатга қабул қилинган фоизлар ҳар уч ойда  
тўлаб борилади.*

*Шунингдек, «Пахта Банк» Сизлар учун қулай  
бўлган 12 турдаги манфаатли омонат турлари  
ҳамда сўм пластик карточкаларини таклиф  
этади.*

*Сизнинг омонатларингиз Ўзбекистон  
Республикаси Фуқароларининг банклардаги  
омонатларини кафолатлаш фонди томонидан  
кафолатланади!*

*«Пахта Банк» — фаровонлигингиз калитидир!  
Хизматлар лицензияланган*


# «ҒАЛЛАБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

*Фидокор халқимизни энг улғу, энг азиз байрам — Наврўзи  
олам билан муборакбод этади*


**РАТБ «Ғаллабанк» минтақавий филиал ва филиалларида жисмоний шахслар  
учун жорий этилган омонат турлари бўйича МАЪЛУМОТ.**

т/р	Омонат (депозит) номлари	Депозит тури	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал (сумда)	Асосий шартлар
1	2	3	4	5	6	7
1	Талаб қилиб олгунча	Талаб қилиб олгунча	Муддатсиз	4,2	100	Талаб қилиб олгунча сақланади, хоҳлаган муддатда қўйилади ва олинади.
2	«Имконият»	муддатли	6 ой	28,8	10 000	Омонат муддати тугаганидан сунг маблағни уй-рузгор ашёси, энгил автомобил, турар жойлар сотиб олишга ишлатилади, ойига 2,4% устама ҳисобланади.
3	«Саломатлик»	муддатли	11 ой	31,2	10 000	Ойига 2,6% устама ҳисобланади ва фақат саёҳатга чиқиш, саломатликни тиклаш учун сарфланади.
4	«Нафақа-мадакор»	муддатли	1 йил	28,8	10 000	Омонат фақат нафақахурларга очилади ва ҳар ойда 2,4% устама берилади.
5	«Орзу»	муддатли	3 ой	30,0	10 000	Ойига 2,5% устама ҳисобланади ва омонат муддати тугаганидан сунг тўлаб берилади. Омонатга пул маблағлари 2005 йилнинг 15 мартдан 15 апрелига қадар қабул қилинади.
6	«Кувонч»	муддатли	3 ойдан 3 йилгача	26,4–32,4	10 000–5 000 000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатгача қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ва узаро тузиладиган шартномага биноан 26,4 дан 32,4 гача устама тўлашга келишилади.
7	«Барака»	муддатли	3 ойдан 3 йилгача	27,6–33,6	5 000 000–10 000 000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатгача қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ва узаро тузиладиган шартномага биноан 27,6% дан 33,6% гача устама тўлашга келишилади.
8	«Капитал-плюс»	муддатли	3 ойдан 3 йилгача	28,8–34,8	10 000 000 дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатгача қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ва узаро тузиладиган шартномага биноан 28,8% дан 34,8% гача устама тўлашга келишилади.
9	«Меҳригиё»	жамғармали	18 ёшгача	18,0	10 000	Йилига 18,0% дан ҳисоблаб, капитализациясиз 18 ёшга тулганда берилади, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади.
10	«Келажак»	жамғармали	16 ёшгача	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдоридан	10 000	Қўшимча фоиз омонат банк томонидан қабул қилинган кунда амалда булган Мбнинг қайта молиялаш ставкаси миқдоридан бир йилда бир марта молия йили якунида туланади ҳамда омонат суммасига қўшимча маблағ қўйилиши мумкин. Омонат суммаси 16 ёшгача сақланади.
11	«Коммунал омонати»	муддатли	3 ой ва ундан юқори	33,6	100 000	Аҳоли уй-жой, коммунал тулов хизматлари ва электр туловларини қабул қилишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилган. Йилига 33,6% миқдоридан устама туланади, коммунал туловлар омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади.

**Омонатлар «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш» Жамғармаси томонидан кафолатланади**




**«ҒАЛЛАБАНК»  
ХОНАДОНИНГИЗГА  
БАРАКА  
КЕЛТИРСИН!**




# «ЭЛТЕКС» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

*Шу унутилмас, саодатли  
кунларда барча эзгу  
ниятларимиз ижобат  
бўлғусидир, иншооллоҳ!*



# «KABOOL FERGANA CO LTD» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

*Юртимиз тинч,  
халқимиз омон бўлсин,  
хур Ўзбекистонимизни  
файзу барака тарк  
этмасин*



# ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

*Тармоқ ходимлари, барча  
фуқароларимизга  
муштаҳкам соғлиқ-  
саломатлик, бахт-  
саодат тилайди*



**Навоий вилоятида Наврўз байрами шодибоналари аллақачон бошланган. Тозалик, озодалик, ободончилик, кўкаламзорлаштириш икки ойлиги байрам тантаналарга янада файз қўшмоқда.**

— Халқ анъанаси сифатида асрлардан-асрларга ўтиб келатган бу байрам бу йил ўзгача нишонланади.— дейди вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Ибодулло Раҳмонов.— Чунки 98 миллат ва элат вакиллари бир ога-инидек аҳил ва бахтиёр яшаётган, меҳнат қилатган бу худудда Наврўз баҳор камалаги каби ранг-баранг жилонанади, тиллари турлича бўлса ҳам диллари бир юртдошларни қадрдонлаштиради, уларни қалбини ифтихорга тўлдирди.

Вилоятдаги мавжуд 7та миллий маданий марказларнинг Наврўзга бағишланган ўз маданий тадбирлари бор. Қозок, қорақалпоқ, рус, корей, турк, яҳудий, татар-бошқирд каби миллий-маданий марказларнинг ҳар бири бу байрамга ўзининг байрами сифатида муносабатда бўлади.

Наврўзнинг қадимдан қолган тамойилларидан бири — ҳимояга муҳтож, ёлғиз кекса-

## ЮЗ ЁШЛИЛАР ШУКРОНАСИ

лар, ногиронлар меҳрга зорларнинг кўнглини олиш, йўқлаш, ёрдам бериш каби фазилатлар ҳам ўқис дилларга ёруғлик, янги умид ва қувончлар ҳадя этади. Шунингдек, Наврўз кунларида вилоятдаги 1033 нафар яқка-ёлғиз уруш ва меҳнат фаришталарини ҳар бирига алоҳида меҳр ва муруват кўрсатилади. Вилоят "Маҳалла" жамғармаси ҳомийлигида туман ва шаҳарлардаги мавжуд 333та маҳаллада истиқомат қилувчи ёрдамга муҳтож, касалманда оилаларнинг саломатлигини тиклаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун 36 миллион сўмга маблаг ажратилганлиги "Сиҳат- саломатлик йили" дастури доирасидаги хайрли тадбирларнинг амалда-

байрам арафасида фойдаланишга тантанали топиштирилишидир. Навоийликлар ҳам бу анъанани муваффақиятли давом эттиришмоқда. Бу йилги Наврўзда ҳам унлаб янги объектлар ишига туширилиши арафасида. Нурота тумани Ғоғон кўрғонидagi болалар спорт комплекси, Нурота ширкат хўжалигидаги «Катэж», «Сентоб», Кармана тумани Уйрот қишлоғидаги «Ибн Сино» ҳамда Хатирчи туманидаги 75 ва 25 қатновга мўлжалланган 4 та қишлоқ врачлик пунктлари, Навоий шаҳридаги "Навоийазот" очик акционерлик жамиятида минерал ўғитлар қадоклаш учун қол ишлаб чиқариш цехи, "Пекин—Кармана" маъсуляти

гидир. Наврўз байрамининг яна бир анъанаси айланган хайрли тадбир бор. У ҳам бўлса янги бино ва иншоотларни қуриб, чекланган жамиятга қарашли халқ истеъмол моллари учун ишлатиладиган целлофан пакетлари ишлаб чиқариш цехи, "Қизилқумцемент" акциядорлик жамияти ишчилари учун 28 хонадонга ва Зарафшон шаҳрида 45та оилага мўлжалланган турар-жой бинолари, Навоий ширкат хўжалигида 600 ўринли касбунар коллежлари ана шулар жумласидандир. Байрам арафасида Нуротанинг чекка қишлоқларида "зангори олов" машъалалари ёқилиши ҳам Наврўзнинг қулғу қадимларидан, халқ қувончига қувонч қўшишидан, турмуш шароитларини яхшилашдан далолатдир.

Шунингдек, Наврўз кунларида вилоятда яшаб, кексалик гаштини сураётган 100 ва 100 ёшдан ошган 111 нафар отахону онахонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга вилоят ҳокимлиги ва вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиши бошқармаси томонидан моддий ёрдам маблағлари ва совғалар тарқатилади.

**"Туркистон-пресс"**

### ИЕРИХОН ФАЛАСТИН НАЗОРАТИГА ТОПШИРИЛДИ

Исроил ҳукумати Иордан дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган Иерихон шаҳрини расман Фаластин миллий маъмурияти (ФММ) назоратига топширди. Қузатувчилар томонидан маъмур вояга Яқин Шарқ минтақасида сиёсий вазиятни барқарорлаштиришдаги муҳим ўзгариш сифатида баҳоламқда.

Феврал ойида Мисрнинг Шармаш-Шайх шаҳрида ўтган минтақавий саммитда Исроил бош вазири Ариэл Шарон ва Фаластин миллий маъмурияти етакчиси Махмуд Аббос Иордан дарёсининг ўнг соҳилидаги Иерихон, Тулкарм, Калкиля, Вифлеем ва Рамаллох шаҳарларини фаластинликлар ихтиёрига ўтказишга келишиб олганди. Бирок, айрим масалалар юзасидан томонларнинг ўзаро муросасага кела олмагани ҳамда 25 февралда Тел-Авив шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракати бу жараённинг бироз кечикишига сабаб бўлди.

Сешанба кун Тел-Авив яқинида Исроил мудофаа вазири Шаул Мофаз ФММ ички ишлар вазири Носир Юсуф билан учрашиб, Иерихон шаҳрини фаластинликларга топширилишини маълум қилди. Фаластин раҳбарияти эса ўз худудидagi жангари тўдаларни исроилликларга қарши ҳужум қилмасликка кўндириш масъулиятини зиммасига олди.

Исроил аскарлари шаҳар атрофидан ўтувчи 90 - рақамли тош йўлни назорат қилиш ҳуқуқини сақлаб қол-

### Шарҳловчи минбари

ди. «Верд Иерихо» маскани орқали шаҳарга кираётган Фаластин фуқаролари текширувдан ўтказилмайдиган бўлди. Иерихон ва Рамаллох ўртасида жойлашган Исроилга тегишли ҳарбий иншоот эса бутунлай тугатилади.

Яқин кунларда Тулкарм ва Калкиля шаҳарларининг ҳам Фаластин ихтиёрига ўтиши кўтилмоқда.

**НЕФТ НАРХИ  
КЎТАРИЛМОҚДА**

Эроннинг Исфаҳон шаҳрида нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти - ОПЕКга аъзо давлатлар вакилларининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Унда кўнлик нефт қазиб чиқариш ҳажминини ошириш, ташкилотнинг янги бош қотибини сайлашга оид масала муҳокама этилди.

Айни пайтда ОПЕК аъзолари кўнига 27 миллион баррел нефт қазиб чиқаришмоқда. Жаҳон бозорига «қора олтин» баҳосининг кун сайин ошиб бораётгани эса бу кўрсаткичини ўзгартириш лозимлигини таъкидлаётган.

Саудия Арабистони анча вақтдан буюн «қора олтин» қазиб чиқариш ҳажмини ошириш таклифини илгари сўриб келади. Ташкилотнинг айрим аъзолари, хусусан, Эрон, Жазоир, Ливия ва Кувайт бунга хайрихоҳлик билдирмапти. Нигерия вакиллари эса янги квота жорий этишни бироз орқага сўриш тарафдори. Қарашлардаги тафовут нарх-навога салбий таъсир кўрсатапти.

Сауда мутахассислари эса нархнинг кўтарилиб кетишига АҚШда стратегик ёнилғи захирасининг камайиб бораётгани ва Хитой сўнги вақтларда нефт харидини янада жонлантирганини асосий омил сифатида кўрсатади.

Саудия Арабистони энергетика вазири Али Нийимийнинг таъкидлашича, жорий йил охирига қадар жаҳон бозорига нефтга бўлган талаб ортиб бораверади.

Анжуманда ОПЕК аъзолари кўнлик нефт қазиб олиш миқдорини 500 миң баррелга оширишга келишиб олди. ОПЕКнинг амалдаги президенти, Кувайт энергетика вазири Шайх Ахмад Фахд Ас-Сабоҳ агар нарх барқарорлашмаса, яна қўшимча 500 миң баррел нефт қазиб чиқарилишини маълум қилди.

ОПЕК президенти шунингдек, ташкилот аъзолари йил охирига қадар кўнлик нефт қазиб олишни 30 миллион баррелга ўтказишни мўлжаллаётганини ҳам айтиб ўтди. Унинг таъкидлашича, айни пайтда Ироқда бу кўрсаткич кўнига 2 миллион баррелни ташкил этмоқда. Мамлакатда барқарорлик таъминланса, нефт қазиб олиш 2,8 миллион баррелга этиши мумкин.

Ташкилотнинг янги бош қотиби бу сафар ҳам аниқланмади. Томонларнинг маъмур масалаларда яқдил фикрда эмаслиги бунга сабаб бўлди.

РАТА-ТАСС хабарларига қараганда, айни пайтда Лондон биржасида бир баррел «қора олтин» 55,53 АҚШ доллари баҳоланган. Осиёда, хусусан, Сингапур биржасида эса нарх бундан ҳам юқори - 56,69 доллар.

**(ЎзА)**

### ОТАХОН ҲИММАТИ

Ёқубжон ота Ҳақимов ўғилларини ёнига олиб Жиззах тумани «Ўзбекистон» хўжалигида «Чақмоқ» фермер хўжалиғини ташкил этди. Ташландик бино ўрнида чорвачилик фермиси очди. Биргина ўтган йили 10 тонна гўшт, 48 минг литр сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди.

### Ибрат

Саксон беш ёшни қаршалаётган тadbиркор борини бахам кўрадиган саҳоватли инсонлардан. У ўзи ташкил қилган чорвачилик фермасынинг истиқболли ва шу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг турмуш фаровонлигини ўйлаб, хайрли ишга қўл урди. «Жиззахга» ҳудудий газ таъминоти бирлашмаси руҳини олиб, ўз

шахсий маблағи ҳисобидан 800 метр масофага қувор ётқизиб, табиий газ келтирди. Бунинг учун қарийб 1 миллион сўм а т р о ф и д а маблағ сарфланди. Эндиликда, хўжаликдаги «Чорвадорлар» кўчасининг 10 га яқин хонадонда илк бор «зангори олов» қорлади.

Шу кунларда фидойилар баҳорги дала ишларини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Ариқ-зовурларни тозалаш, далага ўғит, нури ташиб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Моҳир фермернинг яна бир орзуси – зотдор молларни кўпайтириб, ўзи каби фермерларга тортиқ эттишидир.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» муҳбири



### АЙЁМИМИЗ ТАРИХИДАН

Ўлкамизда яна Наврўз шодиёналари бошланди. Улкан шоир Юсуф Хос Ҳожибнинг «Саодатга йўловчи билим» асаридан бундай дейилади: «Авал шарқар баҳорий насм (шабада) эсиб келади. Бу – оламни безаш учун жаннат йўлини очди. Оқ ранг, яъни, қор кетиб, ерга ифор тўлади ва ҳаммаёқни аргувон алвон ранг эгаллайди. Чунки олам чирой очди».

Бу жараён 21 март билан 21 апрел ўртасига тўғри келади. Худди шу вақт 21 март оламга янги йил қирган хисобланади, байрам қилинади. Қадимдан буён форс календари бўйича янги йил баҳор байрами – Наврўз билан бошланар эди. Қуёшнинг Хутдан Хамалга ўтиши бизнинг йилномамизга биноан 21 март билан 21 апрел ораллиғини ишғол қилиб, худди шу вақтда тун билан кун тенглашади.

1074 йили форс календари бўйича йил боши, баҳорги тенг кунлик билан ҳар доим устма-уст тушмаслиги ишлатилаётган тақвимда ноқулайлик туғилгани сабабли янги йилнома тайёрлашга киришилди. Бу вазира шарқ алломаси Умар Ҳайём зиммасига оқлатилди. Уша даврда баҳорги тенгкунлик Юлиан календари бўйича эрамыздан олдинги 46 йилда александриялик астроном Созиген томонидан тузилган. Рим императори Юлий Цезар томонидан жорий қилинган тақвим – 1 мартга тўғри келарди. Аслида 21 мартга тўғри келадиган баҳорги тенгкунликнинг 15 мартга, яъни 6 кун олдинга силжиб қолиши Юлиан календарининг камчилиғи эди.

### Биласизми?

Умар Ҳайём тақвими 1079 йил 16 мартда хижрий календари билан 471 йилнинг 10 рамазонидан қабул қилинди. Бу календар Ҳайём тақвими дейилиши билан бирга узоқ вақт Жалолӣ календари деб ҳам юритиларди. Жалолӣ тақвими то XIX асрда Эронда қўлланилган 12 йиллик мўчал юзга келди. Мўчал ҳар йили 22 март кундан бошланади.

Усимликлар оламнинг баъзилари муаттар хид таратиши, бошқа бирлари шифобахшлиғи билан ажралиб туради. Эфир мойли кўкатлар ҳам эл орасида кенг тарқалган.

### ХОСИЯТЛИ КЎКАТЛАР

Қалган бўлиб, ўрта Осиёда ҳам ўсади. Бу кўкат солинган суяқ овқатлар жуда хушхўр бўлиб иш-тажа билан ичилади. Қашнидан олинмаган эфир мойи саннатнинг турли соҳаларида, айниқса, тиббиётда ишлатилади. Унинг уруғидан тайёрланган препаратларнинг овқатни хазм қилишда, ўт пуфағи фаолиятининг бир меъёрга бўлишида анча фойдаси бор.

Сабзавотларни консерва қилишда гўшт ва балқил маҳсулотлари тайёрлашда ҳам қашнидан фойдаланилади. Райхон эса субтропик ва тропик мамлакатларда ёввойи ҳолда ўсиб ётадиган бутача бўлиб, ҳозирчага 150 хили маълум.

Мўътадил иқлимли мамлакатларда қимматбаҳо эфир мойи олиш учун райхоннинг баъзи турлари бир йиллик кўкат сифатида экиб ўстирилади. Бир хил райхонлардан олинмаган эфир мойи таркибда анча микродорда қамқора моддаси бўлади. Райхонлар консерва саннатидан ва ликёр винолари тайёрлашда ҳам ишлатилади. Ош райхон кўк ва қуриб янчилган ҳолда суяқ овқатларга солинади. Укроп ўзининг биологик хуусиятлари, хушбўйлиги билан қашнидан қолтирилади. Укропнинг илдизидан қура барғларида эфир мойи кўпроқ бўлади.

Эш ниҳоллари овқатга солинади. Уруғ бойлай бошлаган ўсимлиги бошқа кўкатлар қаторида бодринг, помидор тузлашда ишлатилади. Петрушка ҳам соябонгулар оиласига мансуб бўлган бир йиллик ва икки йиллик ўсимликдир. Қўринишидан сабзига ўхшаб қотадиган бу кўкатни ҳазир хонадонларда ўстириш кенг расм бўлган. Унинг барғчаларида, илдизларида, айниқса, уруғларида эфир мойи бўлади. Шунинг учун илдизи ҳам, поя ва барғлари ҳам хушбўйдир.

А.АЛИЕВ

### «ЗУЛФИЯХОНИМ» КЛУБЛАРИ

Мана бир неча йилдирки, республикамиздаги ижодкор қизлар Зулфия номидан Давлат мукофоти билан тақдирланмоқда. Ана шу нуфузли мукофот тўғрисидаги низомнинг мазмуни ва моҳияти юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида ўқувчи-қизларнинг «Зулфияхоним» клубларини ташкил этишга киришилди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирлиғи бундай клублар фаолиятларини йўлга қўйишда жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари: «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ҳамкор ташкилотлар билан яқин алоқада иш қўради. «Зулфияхоним» клублари Меҳрибонлик уйлари, ташкил таълим муассасаларидаги барча иқтидорли ўқувчи-қизларни жалб этган ҳолда давра суҳбатларини уюштилади. Ана шу маънавий-маърифий тарбия ишлари иқтидорли қизларни танлаш, улар ижодларини қўллаб-қувватлаш имконини беради.

### ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЯНГИ ФОРМАСИ

Ўзбекистон халқ таълими вазирлиғи мактаб ўқитувчиларининг махсус формасини жорий этиш тўғрисидаги буйруқ қабул қилган эди. Бу хайрли иш биринчилардан бўлиб Наманган вилояти билим даргоҳларида ўз амалий ечимини топди. Халқ таълими тизими раҳбар ходимларининг қуни кеча бўлиб ўтган кенгайтирилган хайъат ййғилишига тақлиф қилинган наманганлик педагоглар ана шу янги либосда кириб келдилар. Ўз андозаси, дизайни ва тикилиши билан кўзга аққол ташлаб турган бу либос ҳамкасблар томонидан ижобий баҳоланди.

Ўқитувчиларга ярашиб турган бу форма унча қимматга тушмайди. Улар ўртача 13-14 минг сўм атрофида тайёрланади. Умумхалқ байрами – Наврўз шодиёналари кунига ҳам наманган вилояти ўқитувчилари замонавий либос билан тўла таъминланади.

Бир ўқитувчи кечаси велосипед чирогини ёқмай кетаётган эди. Миршаб уни ушлаб, ишини судга оширди. Судья бир маҳаллар шу ўқитувчининг қўлида ўқиган эди. - Усто! - деди у. - Эсингизми, ҳар бир нотўғри ёзган сўзимизни юз мартадан қайта ёдидаришми? Судья ҳукм чиқарди: - Сизга берилмаган жазо шу: қозғ, қалам олдинг-да «кечаси чироксиз велосипед минмайман» деб юз марта ёзинг. - Оғайни, бахтинг бор экан, мана бир ўғлинг врач, иккинчиси адвокат. Илгариги қора кунларнинг энди ўтиб кетди. Оғайни деди: - Э-э, биродар! Кошкий-

# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



## БЕҲИ

Касбим – ўқитувчи. Болаларни яхши кўраман. Бегубор қалбларга эзгулик уруғларини сочишдан, билганинги бошқаларга ургатишдан ҳам ортқ хайрли иш бормикан дунёда?! Асли зийлилик менга отамдан юққан. Раҳматлик отам сўзининг кадрига етдиган одам эди. У менинг қалбимда китобга, адабиётга меҳр уйғотган биринчи устозимдир. Тоғам эса мени боғбонлик касбига қизиқтирган, десам хато бўлмайди.

Мен унинг ақолиб боғига ҳавас қилиб ўсганман. Боғбонлик касбига интилишимнинг яна бир сабаби бор. Ахир азалдан ўқитувчини боғбонга киёллашди-ку. Чунки бу икки касбнинг моҳияти бир хил. Иққаласи ҳам ёш ниҳолларни тарбиялаб воёга етказари.

Томорқамизнинг ярмини эгаллаган мўъжаз боғда, ўрик, шафтоли, олма, анжир, анор каби олтимшдан зийд мевали дарахт ўсади. Ҳар бир дарахт менга фарзандларим каби азиздир. Улар баҳорда қийғос гуллаган пайтда, қузда мевалари фарқ пишганда қувончим ичимга сиймайди.

Бир йили қузда боғнинг чеккасидаги бир туп беҳинг ҳосили жуда мўл бўлди. Ҳосил залворидан унинг шохлари эгилиб қолди. Катта бир шохи пакса девордан ошиб, қўшимиз томонга оғиб кетди. Йирқийрик меваларини зўрга кўтариб, синай-синай деб турган новдани қўриб юрагим ёмон эзилди. Шохни кўтаришнинг иложи бўлмади. Меваларни ўзишга ҳали эрта эди. Охири мевалар

Уктам СУЛТОНОВ



пишган, уларни териб олгандан сўнг шохни кўтариши мўлжалладик. Аммо мевалар пишгунча фурсат бўлмади. Бир кун қўшимизнинг хотини эрига қараб: - Ҳеч кимга зийнимиз тегмасча ҳам бошқалар бизга зарар беришаверади, - деган кесатигини эшитиб кўнглим гаш бўлди. Бошқа кун яна қўшини аёлнинг тўнгилаган овози қулоғимга чалинди. - Бу қўриб кетгўр шох қачонгача йўлимизни тўсади, кесиб олишса бўлмай-дими? Энди бу гап жонимдан ўтиб кетди. Дарҳол болаларимга эгилган шохдаги меваларни териб олишни топширдим-да, ўзим аррани қўлга олдим. Шохни бир зумда кесиб, боғимизга ўтказиб ташладик. Эрталаб уйқудан тургач, беҳи томонга қўз ташладим-у, юрагим орқага тортиб кетди. Дурқун беҳи дарахти гўё бир қўлсиз одамга ўхшаб турарди. Шу захоти юрагим санчиб, томоғимга нимадир тикилгандек бўлди. Бир неча кун беҳи томонга қарашга журъат этолмадим. Ҳаётда бундай дарду изтиробларнинг давоси вақт дейишарди. Вақт ўтган сайин беҳи ҳақида камроқ ўйлайдиган бўлдим. Ҳадемай қиш ўтиб яна баҳор келди. Боғимизда мевалар бирин-кетин гуллай бошлади. Энг охирида беҳи гуллади. Шундай гулга буркангач, гўё кесилган шох учун атайлаб гуллагандек туюлди менга. Беҳи гулларига бокиб беҳитёр қўзларимга ёш қалди.

Ҳим ШАБАССУМ сир эканини билмабман. Икки ўғри суҳбатлашпоти: - Тўғрилик яхши-дў! Буни кеча билдим. - Ҳўш? - Эсингдами, тунов кунни бир итни ўғирлаб қолган эдим? - Эсимда. - Уша итни отаман, деб уч кун овораи сарсон бўлдим. Ҳеч ким бир сўмга ҳам олмади. Охири эгасига олиб бериб берган эдим, ун минг сўм суяончи берди. Афанди ошнасига деди: - Билсанамми, қайлигим узукни қайтариб берди, бошқа кишига турмушга чиқмоқчи. Уша кишининг қаерда туришини билмоқчиман. - Нима, у билан уришмоқчимисан? - Йўғ-ей! Унга мана шу узукни сотмоқчиман. - Ҳам-ташвишингизга хамиси ҳамдарад бўламан, - деди қиз севган йигитига. - Менинг ҳеч қандай ташвишим йўқ. - Шошилманг, мен билан турмуш қурганингнидан кейин ташвиш топиллади. Бир доктор беморнинг кўкрағига уриб-уриб: - Ҳў, бу тўма шич-ку, зудлик билан олиб ташлаш керак, - деди. - Доктор, бу шич эмас, хамёини-ку! - деди бемор шоша-пиша.

### КУНЛАРДАН БИР КУН

Кунлардан бир кун ўтинчи дарё бўйида дарахт қопаётди. Беҳосдан болтасини сувга тушириб юборибди. Ўтинчи ўзининг эҳтиётсизлигидан ўқиниб, аччиқ-аччиқ йиллабди. Шу пайт унинг ёнига фаришта келиб ундан сўради: - Нимага йиллапсан? - Нега йилламай ахир? Дарёга хотиним йиқилиб тушиб, чўкиб кетди. Шунда фаришта дарёдан гузалликда тенги йўқ бир сулувни чиқариб, сўради: - Бу сенинг хотинингми? - Ҳа, бу менинг хотиним, - хурсанд бўлиб деди ўтинчи. Фариштанинг ҳаҳли чикди: - Сен менга ёлгон гапирдинг, бу қанақаси? - Билсанми, - жавоб берди ўтинчи. - Бу ерда кичкинагина тўшунмовчилик юз берди. Агар мен «йўқ, бу менинг хотиним эмас», деб жавоб берганимда, сен яна бир бошқа сулувни кўрсатган бўлардинг. Мен бўлсам, бу ҳам менинг хотиним эмаслигини айтардим. Шунда сен менинг хотинимни сувдан чиқариб кўрсатардинг. Мен бўлсам, худди ана шуниси менинг рафиқам эканлигини билдирардим. Шунда сен увовини ҳам менга бериб юборардинг. Ҳўш, кейин мен уларни нима қилардим? Мен уларни боқа олмадим ва биз тўртовимиз жудаям бахтсиз бўлардик. Қаноатли одам ақлидир. У ҳеч қачон кереғидан ортиғини сўрамайди.

### Ривоят

Шунда фаришта дарёдан ясалган болтани олиб сўради: - Бу сенинг болтангми? - Йўқ, бу менинг болтам эмас, - деди ўтинчи. Фаришта дарёдан қумуш болта чиқариб сўради: - Балки, мана бу сенинг болтангми? - Йў-ўқ, бу ҳам менинг болтам эмас. Охири, фаришта дарёдан темир болта чиқарди. - Ҳа, мана шу менинг болтам, - хурсанд бўлиб ўтинчи. - Кўриб турибманки, сен жудаям пок одамсан ва менинг фарзларимни тўри бажарясан, - деди фаришта. - Шунинг учун сенга учла болтани ҳам берарман. Шу кундан бошлаб ўтинчи йўқчилик нималигини билмай яшабди. Бахтсизликини қарангки, кунларнинг бирида хотини дарёга тушиб кетибди.

Д.ДАВРОНОВА

# ЛЕОНАРДОНИНГ МОНА ЛИЗАСИ

Буюкларнинг ҳаёти сирларга бой бўлади. Масалан, Леонардо да Винчининг сирли муҳаббати ҳақида тўрт асрдан буюн турли афсоналар, ривоятлар юради. Италияди Чечилия Галлерани исмли оқила ва гўзал ҳоним яради. Қиролнинг машуқларидан бири хисобланган бу аёл ўз даврининг машхур инсонларидан бўлиб, лотин тилини муқамал билар, италия тилида шеърлар битарди. Кўзга қўринган сиёсатчилар, шоирлар санъаткорлар унинг хонадонига тўплайниб, қизғин баҳсу мунозаралар юритишни ёқтиришарди.

Леонардо да Винчи Миланга келгач, Чечилиянинг портретини ишлади. Бу пайтда қиз ўн олти ёшда эди. Рассом замондошларининг эсдаликларига қараганда қиз Леонардога кўнгли қўяди. Йигит ҳам унга меҳраб эмасди. Улар ўрталаридаги муҳаббатни махфий тутишарди. Леонинг рассомнинг қизга битган хатларидан бирининг қораламаси замондошлари қўлига тегади. Унда шундай сўзлар бор эди: «Беқизи гўзлаим, донна Чечилия. Севимли фариштан. Сен ёзган мактубни ўқиб...».

Чечилия ҳам унга битган мактубларининг бирида шундай ёзган эди: «Сен яратган асаринг асли нусхага ўхшашни ёки ўхшамаслигини билмоқчи бўлсанг, ойна олдига бориб, унга боқ, ўшанда асл нусха - тирик инсон унда қанчалар ҳаққоний акс этганигини билиб оласан».

Леонардо Чечилияни аёл сифатида севганини ёки уни илоҳий мўъжиза сифатидагина улуглаганми? Бу каби саволлар асрлар бўйи жавобсиз қолмоқда. Чунки, рассом тўрт аср илгари яратган «Сувсар ушлаган аёл» суратидида Чечилия муҳаббатга тўла қалбли аёл эмас, балки ҳиссиз, тошбағир аёл сифатида тасвирланган. Нега? Бу портрет рассомнинг буюк асарларидан бири сифатида баҳоланади. Лекин унда санъаткор ўз севгилисини тасвирлаганига, табиийки, шубҳа туғиларди.

### Ўқинг, қизиқ!

# ЛЕОНАРДОНИНГ МОНА ЛИЗАСИ

Леонардо да Винчи яратган аёл разиларидан яна бири - Жақонда портретининг яратилиш тарихи ҳақида мушоҳада юритсангиз ҳам шу каби саволларга дуч келасиз. Асар ҳаммани - ёши, миллатидан қатъи назар ҳар доим ҳаяжонга соғил келаетир. Аёл кўзларидаги хиёл намлик, юз терисининг ўзига хос ранги, қизғин лабларнинг ярим кинояли табассуми, хатто бўйнидаги гулшайиб уриб турган қон томирларининг бетиним ҳаракати - ҳаммаси жонли, гўё у ҳозир сизга гапириб юборадигандек туюлади. Гузаллик қошида, аёлнинг сирли қарашлари олдида ўзининг йўқотасиз, унинг салобати босади.

Тасвирдаги бу хоним флоренциялик сиёсатчи ва савдогар Пьеро Франческо Жақонданнинг рафиқаси Мона Лиза эди. Рассом «Жақонда» асари ушунда тўрт йил ишлади. Аммо тўрт йилда ҳам тугата олмади. У асарини қўлтиқлаб Римга кетиб қолди, қайтиб келиб яна ишламоқчи бўлди.

Рассом бу портретни биюртма асосида яратганми? Ундай бўлса, нега уни тўрт йилгача ҳам тугата олмади? Асарини неча Жақонда хонадонига бермади? Нега? Мона Лизанинг эри,

ёз даврининг машхур ва таниқли асл-зодаси ўша пайтларда хатти-ҳаракатлари ҳар хил гап-сузларга, ғийбатларга сабаб бўлаётган рассомнинг устахонасига хотинининг тўрт йил қатнашига нима учун рўхсат бериб қўйди? Булар ўша даврда ҳам сир эди, ҳамон гарда остида қолмоқда. Аммо тахминлар рассом ва бу хоним ўртасида буюк муҳаббат бўлганлиги ҳақида сўз очишга имкон беради. Мона Лиза ёшлигида бир йигитни севган. Аммо 1479 йилда уни - ўн олти ёшли қизчани, илгари икки марта уйланиб, тул қолган аслзода Франческо Жақондага турмушга узатишарди. Қизнинг севгилиси бунга чидай олмади, ўзини ҳалок этган...

Леонардо да Винчи Мона Лизанинг тугалланмаган портретини кўтариб, бошқа мамлакатларда бир мунча муддат юради. Аммо ҳеч ўзини қўйга жой топа олмади. Шундан сўнг, у Мона Лизадан умуман ажралмасликка аҳд қилиб, унинг поийга бош уришга жазм этмади. Йўлда ўргимчаксифат бир кўрimsиз кишидан жаноб Жақонда учинчи марта ҳам тул қолди, унинг ёш хотини сафардан қайтаётиб, тўсатдан вафот этди, деган гапни эшитарди...

Рассомнинг Мона Лизага бўлган муҳаббатига мана шу фожа яқун ясайди. У севгилисиз висолига етиша олмади... Бироқ у муҳаббатнинг буюк тимсоли сифатида сирли, тилсимли севинки аёл Мона Лиза тасвирини қолдириб кетди...

Н.СОЛИХОВА тайёрлади

**ISHONCH**  
МУАССИС:  
**Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси**

Бош муҳаррир  
Мирғиёс  
ҚАЮМОВ

**Тахрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78;  
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 22.10

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.